



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@exat.uz 2013 yil 22 noyabr • №47 (4238)

“ЁШЛИККА ҚАЙТИБ БЎЛСАЙДИ...”

Шаҳардаги нуфузли идораларнинг биридан учрашувга таклиф қилишди. Маърифат соатида. Мавзу: “Обод турмуш йили ва фаровон ҳаёт”. Ўта муҳим, долзарб мавзу. Бугунги кун ҳақида. Ўз ҳаётимиздан. Қасбим тақозосига кўра, вақти-вақти билан бундай учрашувларга бориб тураман. Йўқ демасим. Розин бўлишга бўлдим кейин ўйлаиб қолдим. Учрашувга ҳам бордим, дейлик. Хўш, гапни нимадан бошлайман? Мисоллар шу қадар кўпки, қай бирдан сўз очсам экан, деб ўйлаиб қоласан, киши. Ахир, “Обод турмуш йили” давлат дастурига биноан йил бўйи қанча-қанча эзгу ва савоб ишларга қўл урилади?

Юртимизнинг ҳар бир манзили янада кўркам бўлаётир. Янги-янги йўллар, кўприклар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилаётир. Катта кичик буларнинг барчасидан газета, радио, телевидение орқали хабардор.

Шу аснода ҳаёлимга келган дастлабки фикр Ҳазрат Навоийнинг кўпчиликлари машҳур куйидаги сатрлари бўлди:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирини шод айлағай, Очча борким, Қазба вайрон бўлса обод айлағай.

Яъни, кимки бир кўнгли синик, озор чеккан одамнинг ҳаётида кўмакдош бўлса, кўнглини кўтарса, обод этса, унинг бу эзгу иши вайрон бўлган Қазбани обод этиш билан баробардир. Чунки парвардигорнинг ҳақиқий уйи бу асли инсон кўнглидир. Бундан чиқадими, дунёда энг улғу иш, энг катта инсонпарварлик — инсон кўнгли-

ни шод этиш, обод этиш.

Ёдингизда бўлса, Юртбошимиз жорий йилини “Обод турмуш йили”, дея эълон қилар экан, мустақиллик йилларида “Обод-

Ватан обод — кўнгли обод

лик кўнглидан бошланади”, деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келатганини таъкидлади. Дарҳақиқат, бундан беш юз етмиш икки йил илгари ай-тилган ва бизнинг замонга келиб айтилаётган ҳар икки фикр ҳоқиқатида кўнгли хотиржам инсон ҳаётини, рўзгорини, кенг маънода, маҳалласи, элу юрти, Ватанини обод этиш иштиёқи билан яшайди, деган эзгу гоя мужассам.

Бундай асл ўзбекна фалсафа кўнглини улғулаш орқали инсон зотини шарафлайди — инсон қадрини бошқа ҳар нарсадан азизроқ эканини яна бир бор ёдимизга солади. Бу чуқур инсонпарварлик гояси Бош Қонунимиз — Конституциямизда ҳам муҳрлаб қўйилгани бежиз эмас. Унга кўра инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Энди бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Бир киши кўнглини шод этиш Қазбани обод этиш билан тенг экан, озошликни кўлга киритиб, бутун бир миллатнинг кўнглини шод этиш, ўзлигини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш Қазбани неча бор обод этиш билан баробар бўлиши мумкин? Тасаввурга сиғмайдиган бу тушунча кўнглида фақат фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Истиқлол, энг аввало, қалбларга кирди, кўнглиларда куртак очди. Ўтган 22 йил мобайнида миллионлаб юракларда юртни севиш, обод этиш ва қадрлашдек олижаноб туйғуларни ўстирди, тарбиялади. “Обод турмуш йили” мисолида яна бир бор ҳаётимизга ранг берди, янги мазмун киритди.

Давоми иккинчи саҳифада.



“Жиззах пластеке” каллавалари. Д.АБДУРАХИМОВ — ёлган сурат.

КЎФИРЧОҚ САҢЪАТИ БАЙРАМИ

Юртимиз эртаси бўлган жажжи фарзандларимизни она Ватанга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларга миллий-маънавий қадриятларимизни севиб, ардоқлашни ўргатишда, олижаноблик, инсонпарварлик қилларини сингдиришда кўфирчоқ театрларининг алоҳида ўрни бор. Шу сабабдан мустақиллик йилларида вилоят марказларида ҳам бир неча кўфирчоқ театрлари ташкил этилди. Ҳозир республикамизда ўнта кўфирчоқ театри болажонлар хизматида.

Қуни-кеча Самарқандда яқунланган Ўзбекистон кўфирчоқ театрларининг IX аънавий кўрик-фестивали ҳам, шубҳасиз, ўсиб келатган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилувчи саҳна асарларини тарғиб қилиш, томошабинларни кўфирчоқ санъатининг энг яхши намуналари билан таништиришга хизмат қилади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуман “Обод турмуш йили”га бағишланди.

Фестивал қатнашчилари ва томошабинлар эътиборига “Яшил қоп сири”, “Жайронгул” (Самарқанд), “Тандир она саховати” (Қашқадарё), “Яхши фазилатинг — зебу зийнатинг” (Жиззах), “Оҳанг ва офот” (Бухоро), “Ёмғир ёғди, Султ хотин” (Сурхондарё), “Ўз уйингнинг ўзинг қадрла” (Фарғона), “Саховат маликаси” (Андижон), “Юлдузли бола” (Республика кўфирчоқ театри), “Олмос ботир” (Хоразм), “Дўстингга ёмонлик қилма” (Қорақалпоғистон), “Икки заранг” (Саҳнат ва маданият институти) каби ранг-баранг мавзудаги кўфирчоқ спектакллари ҳавола этилди. Анжуманнинг ҳар бир куни сўнггида мутахассислар иштирокида кўрилган томошалар муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистон кўфирчоқ театр санъати: ютуқ ва муаммолар” мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Фестивал голиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими Самарқанд вилоят кўфирчоқ театри биносиде бўлиб ўтди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Самарқанд вилоят кўфирчоқ театрининг “Жайронгул” муаллифлари — Ҳайитмат Расул, Эсонбой Уринов, режиссёр — Шаҳодат Усмонова) спектаклига берилди.

Қашқадарё вилоят театрининг “Тандир она саховати” (муаллиф — Баҳром Маҳмудов, режиссёр — Холмурод Сатторов) ва Фарғона вилоят театрининг “Ўз уйингнинг ўзинг қадрла” (муаллиф ва режиссёр Марям Ашурова) спектакллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Актёрлар Қудрат Партиева ва Венера Юсупова энг яхши актёрлик ижроси учун, Диля Панова энг яхши кўфирчоқ устаси сифатида,

Фестивал



режиссёр Турғунгул Йўлдошев “Ёмғир ёғди, Султ хотин” томошасида миллий мусикадан унумли фойдалангани, Даврон Исмоилов миллий образ қаҳрамонининг энг яхши талқини, Саҳнат ва маданият институти жамоаси профессионал саҳнадаги дебюти учун рағбатлан-тирувчи муқофотлар билан тақдирландилар. Ўз ахборотимиз

САМАРҚАНДАДА ХУШИМ ҚОЛДИ

“Хушим кетди”, “хушим қолди” деган иборалар кўркам, гўзал бирор нарсасига, файзли манзилу макон, шаҳар ё маъвога маҳлиё бўлмоқ, етиштишни орзу этмоқ, кўриб туриб тўймасдан қолиш, баҳраманд бўла туриб яна такрор ва такрор кўрмоқ илинжида қолиш сингари маъноларни англатади.

Бу сўзларда қалб, меҳр-муҳаббат, ориқиш ва соғинч, ҳайратланиш ва завқланиш сингари инсоний туйғулар мужассам.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз бўйлаб, жумладан, унинг жаннатмонанд маъво-ларидан бири — Самарқанд вилоятида, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари, дашту кенгликлари билан кўча-кўйлариде кечаётган қизғин ҳаёт, ўзгариш ва янгилишлар том маънода кишини ҳайратга солади, кўнглига завқ бағишлаб, тансиқ соғинчларга ошно этади.

“Афросиёб” ҳаёли

Тонг саҳарда поездга чиқаётиб “Самарқанд “Афросиёб”-дан бошланади” деган йўловчилардан бири, ўзи билмаган ҳолда, йўл-йўлақай айтган жўнгина гапи замирига катта ва чексиз бир тарихни жойлаб гапирган эди.

Афросиёб. Афросиёб. Ҳаёлим ёзда Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари”га кетади. “Афросиёб” сўзи билан етти иқлимдан санъаткорлар келган катта

санъат байрами ўртасида қандайдир уйқаш боғлиқлик борлигини илғайман.

Дафъатан “Афросиёб”га оҳангдош “Овросиё” жумласини топганимдан мамнун бўлиб, ҳаёлимда кўҳна мозий — Буюк ипак йўллари-дан ўтиб, Оврупо, Осиё бўйлаб сафар қиламан. Бир-пасда етти иқлим мамлакатларини кезиб чиқиб, ўзимни яна “Тошкент” вокзалида Самарқанд сари шайлаиб турган “Афросиёб” поездининг кўркам, озода вагониде, юмшоқ курсида ўтирган ҳолда

Йўл очерки

кўраман.

Вокзал майдони, вагон ичи хорижий сайёҳлар билан гажум. Ўзимча Оврупо ҳам шу ерда экан-ку, дейман. Вокзал саҳнида тонги кўёш нурида ярқираб турган кўркам “Афросиёб” поездини Хитойдан, Корея ва Япониядан келган туристлар кетма-кет суратга тушираётти. “Юртига бориб невараларига мактанади”, дейди ҳамроҳим.

Худди ёрғу, мунавар бир тушда кечгандай, икки соатгинадан сал ўтиб Самарқандда бўламиз. Сайёҳларнинг ўз тилларида чуғурлашиб шоду хуррам, навбат таллашиб поезддан тушишларини кўрсангиз... Мен “Оврупо-ни ҳайратлангирган Самарқанд”, деб ўз ҳаёлларимнинг яқуний ҳулосасини қўяман.

Давоми тўртинчи саҳифада.

МАҲТУНКОР КОРЕЯ

Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб, мустақамлашиб бораётир. Буни санъатнинг турли соҳалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қуни кеча Кореянинг қадимий қадамжолари, мафтункор табиати билан юртдошларимизни янада кенгрок таништириш мақсадида пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида “Мафтункор Корея” деб номланган фотокўргазма очилди. Экспозицияда корейлик фото расомларнинг эллиқдан ортиқ ишлари ўрин олган. Маҳаллий халқнинг турмуш тарзи,

каби асарлари рангларга бойлиги, оригинал тасвир ечимлари билан эътиборлидир. Сеул, Пусан шаҳарларининг жозибали манзаралари, Чеджудо оролининг сўлим табиати, қадимий саройлар ҳам муҳлисларда корейс маданиятига қизиқиш уйғотади. Кўргазма давомиде “Сўғдиёна” оркестри ижросида куйлар янгради, “Оло-



вуддин” болалар гуруҳи кўшиқ ва рақслар ижро этди. С.ҚОСИМОВА



Истиқлол фарзанапаро

5

ДИЛСЎЗНИНГ ДИЛ СЎЗИ

Дилсўз — ёш эстрада хонандаси Гўзал Жуманиёзованин ижодий таҳаллуси. Сиз уни яхши танийсиз. Хонанда ижросидаги “Жонининг озори”, “Мени эслама”, “Юрагим йнглари”, “Оҳларим мени”, “Бегим”, “Отажон”, “Онажон ўлкам!”, “Севикли ёрим” каби кўшиқлар деярли ҳар куни радио эфирлари орқали таралиб, муҳлисларга хуш кайфият улашади.



Севиман газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2014 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларининг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўласангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади!

Нашр кўрсаткичмиз — 222

Алишер Навоийнинг форсий ғазаллари кўпдан буён илмий жамоатчиликнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам «Девони Фоний» ҳақида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. С.Айний, А.Фитрат, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, В.Маъмур каби олимларимизнинг Навоийнинг форсий ғазаллари ҳақидаги айрим ишораларини инобатга олган ҳолда, «Девони Фоний» атоқли матнушонос олим Ҳ.Сулаймон томонидан нашрга тайёрланиб, эълон қилингандан кейин фониёшунослик навоийшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди, десак янглишмаган бўламиз.

Фоний шеърини бугунги кунга асосан қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, унинг ғазалларидаги аънава ва новаторлик, бадиийлик ва беэзаол англик масалалари турли олимлар томонидан таҳлил қилинган. Жумладан, А.Мирзоев ва М.Азимов Фоний ва Ҳофиз Шерозий ғазалларини қиёсий таҳлил доирасига киритган бўлсалар (қаранг: А.Мирзоев. Сездэх мақола. Д., «Ирфон», 1973; М.Азимов. Хафиз Ширази и узбекская литература (влияние, интерпретация, перевод). Т., 1989), А.Шомухамедов татабу аънарасини илмий-назарий жиҳатдан асослаш учун Фонийнинг Жомий ғазалларига жавобан ёзган лирик асарларига эътибор қаратган (А.Шомухамедов. Традиция татабу в узбекской классической литературы. Т., «ФАН», 1993) Филология фанлари номзооди С.Сотиболдиева Фоний ғазалларининг бадиий хусусиятларини Амир Хусрав Дехлавий ғазалларига ёзган татабулари асосида ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Навоий гулшани

Фонийнинг бироваго издошлик қилмаган ҳолда ёзган ғўзал ғазаллари (уларга нисбатан шоирнинг ўзи «мухтара», «ихтиро» истилоҳларини қўллаган) бугунги кунга тадқиқот доирасидан четга қилиб келмоқда. Ҳолбуки, айнан шу ғазалларнинг бадиий хусусиятлари, аънава ва новаторлик масаласи, шоирнинг иходкорлик маҳоратини тадқиқ қилгандагина Фонийнинг форс адабиётдаги ўрни ва мавқеи ҳақида тўла тасаввур ҳосил этиш имконига эга бўламиз.

«Девони Фоний»да 95та ғазал «мухтара» ёки «ихтиро» номи билан қайд қилинган Алишер Навоий, Тўла асарлар тўплами: 10 жилдик. 5-жилд. Девони Фоний/Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Сулаймонов, С.Рафиддинов, С.Ғаниева. Т., Ф.Улом номидаги НМИУ, 2011). Шулардан «шароб» радибли иккита ғазалнинг бошқаларга ўхшамайдиган бир жиҳати бор: буларда Фоний ўзининг мухтара ғазалига ўзи жавобия ғазал яратган. Биринчи ғазалнинг матлаи куйидагича:

Ба сўб тобам аз меҳнати хумори шароб,
Вале ба шони дигар дарам интизори шароб.
(Маъноси: Шароб хуморининг азобидан тонг пайти шаробдан тавба қиламан, Лекин кеч киргач, яна шаробга мунтазирман.)

Кейинги ғазал эса «Дар жавоби ғазали гузашта» (Олдинги ғазалга жавоб) деб номланиб, куйидаги матла билан бошланади:
Чунон шудаст рухат гул-гул аз бахори шароб,
Ки дигарам ба дил афқанд хор-хор шароб.

Биринчи жаҳон урушининг инсоният бошига солган қуфлат ва талофатлари, «пролетар инқилоби»нинг оқибатлари Европани парокандаликка олиб келди. Адабиёт ва санъатда етакчи саналган романтизм ва реализм оқимларининг шашти сусайди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида поэзияда сюрреализм (Гийом Аполлинер ва унинг издошлари), прозада модернизм (М. Пруст ва бошқалар) оқимлари етакчиликни қўлга олди.

Прустан кейин модерн адабиётининг шакл-шамойилини, услубий йўналишларини Ф.Кафка, Ж.Жойс, Т.Манн, В.Вулф каби романавислар давом эттириб, такомиллаштирдилар. Уларнинг қаламига мансуб «Жараён», «Улисс», «Доктор Фаустус», «Миссис Дэллоуэй» сингари асарлар XX аср модернизм прозасининг ривожига катта таъсир кўрсатди, турли модернистик йўналишларнинг юзага келишига замин яратди.

Ирландиялик машҳур адиб Жеймс Жойснинг (1882–1941) ижоди, айниқас, унинг «Улисс» (1921) романи жаҳон адабий жамоатчилигида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўтган йиллар мобайнида бу роман ҳақида кўплаб мақола ва тадқиқотлар яратилган бўлса-да, адабий танқидчиликда «Улисс»га берилган баҳолар хануз хилма-хил. Муаллифининг ўзи ҳам романи ҳақида: «Шунчалик кўп бошқотирма ва топшомқларни киритдимки, асрлар бўйи олимлар уларни еча олмаб бош қотирсинлар», деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, «Улисс» романининг матни бошқотирмалардан иборат. Яна бир машҳур адиб С.Беккетнинг таърифича, «Улисс» «фақат қуриш ва эшитишга мўлжалланган». Шу боис бу асар яратилган пайтда француз ва италян тилларида тўла таржима қилинган бўлса-да, бошқа тилларга ўғирилмаган эди. Ундан айрим парчаларни рус ва грузин таржимонлари ўз тилларига ағдаришга муваффақ бўлдилар. Социализм қолипидagi совет адабиётшунослиги романи «XX асрнинг энг маънос, пессимистик руҳдаги асарлардан бири. «Улисс» романида ўзининг тўлиқ ифодасини топган Жойснинг нигилизми (ҳар қандай метёр, принцип ва қонунларни инкор этиш — М.Х.) модернизи «инжил»га айланди» (В.Ивашева), дея субъектив тарзда баҳолаб, романи таржима қилиб чоп этишга шошилмади. Фақат ўтган асрнинг 80-йиллари охирида рўй бера бошлаган демократик ўзгаришлар пайтида М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилишга киришилди. Жумладан, «Иностранная литература» журналининг 1989 йилги сонларида «Улисс» романининг русча таржимаси босилди. Таржимонлар В.Хинкис ва С.Хоружийнинг узок йиллик машаққатли меҳнатлари ўз самарасини берди. Орадан қарийб йигирма йил ўтиб, «Улисс» романининг ўзбекча таржимаси яратилди ва «Жаҳон адабиёти» журналининг 2008 йилги сонларида «Улисс саргузаштлари» номида босилди.

Шу ўринда маъмур роман таржимони Иброҳим Фафуровнинг: «Унутилмас Озод Шарафиддинов ўзбек китобхони Жойсини орузлаган ва Ницше, Маркес ва Жойсини («Зардушт таваллоси», «Бузрукнинг кузи», «Улисс») таржима қилиши бизнинг зиммасига юклаган эди», деган эътирофини келтириб ўтиш жоиз кўринади. И.Гафуров устоз Озод Шарафиддинов юклаган ушбу вазифаларнинг урдасидан чиқди, уч асар таржимасини ўзбек китобхонига тортиқ қилди. Дарвоқе, таржима ҳақида матбуотда ижобий фикрлар билдирилди, ундаги айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Бугун «Улисс саргузаштлари» романи профессор Акмал Саидовнинг сўзбошиси, сўнгсў ва изоҳлар билан чиройли муқовада чоп этилиб, китоб жавонимиздан ўрин олди. (Жеймс Жойс, «Улисс саргузаштлари». Рус тилидан Иброҳим Гафуров таржимаси. Т., «Ўзбекистон», 2013).

(Маъноси: Юзинг шароб баҳоридан гул-гул очилиб, шундай яшнабди, Ким яна кўнглимга шароб изтиробини солди.)

Иккала ғазал ҳам радибли ғазал бўлиб, музореи мусаммани маъсур бағрида яратилган. Аънавий хамриёт жанрида битилган ушбу ғазалларнинг бошқа ғазаллардан фарқланувчи жиҳатлари таъминлаган омилидан яна бири — ҳар бир ғазалга конкрет бир фикр, тисол ё деталнинг асос қилиб олиниши ва таъсирий имкониятларнинг барчаси таъсир объектнинг тўлиқ ва изчил ифодаси учун сафарбар этилишидан иборат. Юқоридаги мисолларда ҳам матлабда тугал бир маъно ўз ифодасини топган бўлиб, ғазалнинг умумий маъ-

Фонийнинг мухтара ғазаллари

Амир Хусрав Дехлавий ибтолаганидек, форс шоирларининг шеърятга киритган янгиликларидан ҳисобланади. Араб шеърятда радибли ғазал деярли йўқ, чунки араб тилининг табиати радибли шеър ёзишга мос келмади. Шеърни радиблининг мантиқий меҳари атрофида бирлаштириш, шу орқали ягона мавзунинг турли кирраларини очиб бериш, ҳар бир байт ва ҳатто айрим байтларда алоҳида бир мисрада тугал бир маънони жойлаштириб, ғўзал маънавий силсила ҳосил қилиш шоирдан катта қўн ва иқтидор талаб қилади. Таҳлил қилинаётган ғазалларда ушбу фазилатлардан ташқари, унга зийнат бағишлаб турган яна бир шаклий унсур бор: қўфия ва радибда ёзма-ён келадиган «ўзук алиф (о)» ҳамда сонорли ундолардан бўлмиш «ре» харфи (хумор, интизор, баҳор, хор-хор ҳамда шароб) ғазалдаги оҳанглик, мукавийлик, равонлиқни таъминлай олган. Форс адабиётшунослигида аллитерация, мумтоз адабиётшунослигимизда тавазу санъати номи билан ихтисослашган ушбу ифода усули шоирдан чекиз тахайюл билан бир қаторда теран тафаккурни ҳам тақозо қилади. Араб адабиётшуносли ал-Асқарийнинг (XI аср) машҳур ибораси бор: «Шеърятда энг муҳими — янги мавзу топиш эмас. Чунки бунга араб ҳам, аҷамий ҳам, шаҳарлик ҳам, кўчманчи ҳам бир хилда қодир. Муҳими — қай тариха ифодалаш». Агар Ибн Сино шеърга «қаломни мавзунини муҳайяли мукаффо» (вазғага эга, тахайюл билан ёзилган, қўфияланган сўз) дея таъриф берганини инобатга олсак, юқоридаги байтларда ҳам вазн, ҳам қўфия ва ҳам радиб бир-бирига мутаносиб равишда танланганга ғувох бўламиз.

«Шарқ юлдузи» 2013 йил, 5-сон
«Бугунги Истиклол даври ўзбек адабиётининг умумий манзаралари нафақат оддий ўқувчини, балки соҳанинг энг талабчан мутахассисининг ҳам дилини равшан тортира олади», деб ёзади «Мухаррир миқбери» рункида берилган мақолада Улуғбек Ҳамдам. «Ватанга қайтаётган минорлар» сарлавхали публицистик мақолада Сид Шухрат Матқаридов мамлакатимизда, жумладан, Хоразм вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юратади.



«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 2013 йил, 5-сон

Журналнинг ушбу сониде таниқли адиб Мухаммад Алининг «Шохрух Мирзо» романининг, Жалолиддин Румийнинг «Маҷолис сабаъ» асарининг ҳамда Кўчқор Норқобилнинг «Биз ҳам одамми?» пиесасининг давомини ўқийсиз. Зулфира Мисбахнинг «Адиба» номли қиссаси, Эркин Норсалининг «Саламандра», америкалик ёзувчи Алберт Малтанин «Дунёдаги энг бахтли одам» (инглиз тилидан Қ.Юсупова таржимаси) ҳикоялари ҳам наса ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган. Шеърят саҳифаларида Сироҷиддин Саййид, Нуриллоҳ

Достон, Гулистон Матқубова, Исмоил Тўхтамишев, Гуландом Тоғаева ва бошқа шоирларнинг янги туркум шеърлари, «Унутмас мени боғим» рункида Тўра Сулаймон ижодида намуналар берилган. Ёш қаламкашларнинг шеърый машқлари ва улар ҳақидаги шеърятимизнинг навирон авлод вақилларининг мухтасар сўзлари ҳам муштарийларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Адабиётшунос олим У. Норматовнинг «Иходкор нигоҳида адабий жараён» мақоласи, «Янги авлод овози» сарлавҳа-

ли сўхбат саволлариға ижодкор ва тадқиқотчилардан И.Ёқубов, А.Ҳамро ва Х.Тўлиқовнинг жавоблари, С.Рафиддиннинг мумтоз адабиётимизда қаландарлик талқини, Т.Жабборовнинг бадиий адабиётда жамоатчилик билан алоқалар мавзуларида тадқиқотлар билан ҳам журналнинг ушбу сониде танишасиз. «Фикри эскирмайдиган олим» (Й.Солиқов), марҳум адабиётшунос Азимжон Раҳимовнинг «Шахс тақдирининг қомуси», Шеллиннинг «Поэзия ҳимояси» (Хумюн таржимаси) мақолалари, «Гулқайчи»даги Турғунбой Султоновнинг масаллари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

ни олимларимиз аллақачон ибтоблашган. Маълум бўладики, Навоий-Фоний туркий асарларида қўллаган муваффақиятли тажрибаларини форсий ғазалларида ҳам татбиқ этган ва бунда ҳам юксак натижаларга эришган.

Бундан ташқари, Фоний форс мумтоз адабиётига хос бўлган теранлик хусусиятига қўлмаллик ҳосасини ҳам қўшишга ҳаракат қилди. Фонийга бундан ғазалларда (бу ҳолат, айниқас, Ҳофиз Шерозий ғазалларида ўзининг авки аъносига етган) маънода қўқлиги ва чўқур ўйлаш орқали ундан эстетик завқ олиш имконияти шоирлик маҳоратининг етуқ намунаси бўлган. Шу тариха, ҳар бир байт, мисра ё иборага турли мазмун-моҳият «қўқлиниб», ғазаллар «фирқлар ассоциацияси»га (И.Брагинский таъбири) айланаб қолган. Фоний энда тахайюл қўқларини кенгайтириб, ҳар бир ғазални яқлит руҳий манзара ва ягона қайфиятни ифодолловчи сўзлар ва маънолар тизмасига айлантиришга эришган. Ҳазал энди ичида бебаҳр маънавий ҳазиналар яширин чиройли ўйлар (байтнинг луғавий маъносини ўйдемак) қўқаси эмас, балки муҳташам маънавий қўқонага эврилгандек эди. Фоний ғазалларидаги ҳар бир ибора, ҳар бир сатр, ҳар бир байт маънолар силсиласини ҳосил қилиб, муайян ҳолат ва қайфиятни тўлиқ таъсирлашга ҳизмат қиладиган детал вазифасини ўтайдиган бўлди. Фонийнинг ғазалнавислиқдаги бундай тажрибалари кейинчалик форс-тожик адабиётда янги услуб — «саби қандий»нинг пайдо бўлишига замин яратди. Бу эса, кейинги тадқиқотларда Фоний девонини фақат саъафлари билан эмас, балки ундан кейин ижод қилган шоирлар девони билан таққослаган ҳолда компаративстик усулда чўқур ўрганиш лозимлигини билдиради.



Олимжон ДАВЛАТОВ

Журналларни варақлаганда

нида Тўра Сулаймон ижодида намуналар берилган. Ёш қаламкашларнинг шеърый машқлари ва улар ҳақидаги шеърятимизнинг навирон авлод вақилларининг мухтасар сўзлари ҳам муштарийларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Адабиётшунос олим У. Норматовнинг «Иходкор нигоҳида адабий жараён» мақоласи, «Янги авлод овози» сарлавҳа-

шимининг орқа чўнтагини уриб кўрди, ташқи эшикнинг қалити турибдимикин?» айтилмаган монолог («Анави ечиб қолдирган шимда») билан кетма-кет келади. Иккинчидан, руҳий жараёни батафсил қайд этиш билан ёркин таассурот туғдиришга ҳаракат Жойс услубида «илмий» эмас, балки импрессионистик характерга эга, Жойс, бошқа ёзувчилардан фарқли ўларок, айтилмаган фикрлар учун аниқ сўзни ёҳуд муқобилини топишга ҳаракат қилади ва бунинг урдасидан чиқади. Масалан, юқоридаги парчадан олинган «Картошка шу ерда» жумласидан шу мақсад кўзда тутилган. Қаҳрамон хаёлидан «оқиб» ўтган: «Чўнтагимда картошқадек тешиқ бор» қабилдаги фикр шундай бир усулда ифодаланганки, бу усул ўзининг ғайриоддийлиги билан руҳий

ни олиб узатади). Ким яширса, ўша топади». Диалогнинг ўзбекча таржимаси бироз эркин тарзда амалга оширилган шундоққина сезилиб турибди. Блум аслида: «Хотирам у билан боғлиқ, У менда бўлса дейман» демоқчи. Стивен эса киновий оҳангда Ҳамлет монологидеги «To be, or not to be: that is the question» («Тирик қолмоқ ё ўлмоқ, Шудир масала!» — М. Шайхезода таржимаси) жумласига тақлидан: «Бўлсин бўлмасин, шудир масала», дея луқма ташлайди. Ушбу кичик эпизод қайсидир жиҳатдан Жойс услубини яққол намойён қилади, унинг ранг-баранг тағмаънодан қай даражада маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади. «Уни кўриб эслаб юраман» (С ней связанна память) жумласи аслида, сийқаси чиққан, қолипга айланган

«УЛИСС» КИТОБ ЖАВОНИМИЗДА

жараённинг иллюзиясини намойён этади. Лекин «Улисс»да унинг ҳақиқий маъно-маъмуни қўшимча фикр, аҳамиятсиз овоз сифатида хизмат қилгани ва қилаётганида мужасам бўлган. Блум кириш эшигида қалитни ахтарганида ҳам (умуман, қалит «Улисс»да муҳим рамзий маънога эга — М.Х.), ўз турмуш ўртоғи билан ўртадаги чигал муносабатларни таърифлашда ҳам бу усул тақдорланади. Деярли беш юз саҳифадан сўнг ўқиймиш (изоҳ: Блум фоҳишахонага бориб, у ердаги аёл Зоэддан картошқани қайтариб беришни сўрайди): «Блум: С ней связана память. Я хотел бы иметь её. Стивен: Иметь или не иметь, вот в чём вопрос. Зоэ: Вот она (поднимает оборку комбинации, обнажая ляжку, и вытаскивает картофелину из-под чулка). Тот, кто прятает, знает, где найти».

Таржимада: «Блум: Уни кўриб эслаб юраман. Ёнимда уни жою дейман. Стивен: Бўлсин бўлмасин, шудир масала. Зоэ: Ол ана (этагини кўтариб, сонларини очади, пайпогининг ёқасига ўраб қўйилган картошқа-



жумла ва, айни пайтда, бир неча маънони ҳам англатади. Ўқувчи тасаввурда ҳеч нарсага арзибмайдиган сентименталлик, ҳиссиётга берилганлик, объектив воқелик, реал вазиятдан узоқлаштурувчи вақтичиоғлик билан боғлиқ аломатлар уйғонади. Аслида Блум ушбу жумланинг юзаси маъносига мос тарздаги иродаси мустаҳкам одам эмас. У ортиқ даражада ҳиссиётга берилувчан, кўнгли бўш, тез таъсирланувчан. «Ёнимда юрса дейман» (Я хотел бы иметь её) жумласи нафақат картошқага, балки Блумнинг турмуш ўртоғига ҳам таллуқли. Стивеннинг Ҳамлетта тақлидан айтган «Бўлсин бўлмасин» (Иметь или не иметь) ибораси эса, тағмаънода Ҳамлет монологининг бутун теранлиги, сермаънолигини ташайди.

«Улисс»нинг охириги 18 эпизоди («Улисс саргузаштлари», 768 — 831-бетлар)да муаллиф тиниш белгилардан воз кечаркан, ҳақиқий «онг оқими»ни аслидаги тиклашга, аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Шурудан кечётган фикрлар учинчи шахс номидан айтилган фикрлар билан

бўлиниб қолмайди, улар бир-бирига урилиб, тўқнашиб оҳиста давом этаверади. Шуну ҳам ёдда тутиш кераки, ушбу эпизодда учинчи шахс номидан айтилган бирор мулоҳаза ёки изоҳнинг йўқлиги Жойс танлаган қаҳрамон онгининг ўзига хос лаҳзаларидаги оқимини қўзига таъсирли имконини берган. Молли Блумнинг узук-юлук фикрлари тиниш белгиларига ҳожат қолдирмайди, чунки у ётоғида, тўшағида ётибди ва унинг тарафидан бирор бир ҳаракат бажарилмайди. Фикр ва ҳаракатларнинг ғайриихтиёрий «қоришма»си, бир-бирига ураниб шунчалки боғланиб кетиши асарда шундай маҳорат билан етказилганки, изоҳга эҳтиёж сезилмайди.

Дарвоқе, инсон воқеликни фаол тарзда англаш, ўзлаштириш, таъсирлашга ҳизмат қилишдан тўхтаган пайтда «онг оқими» жараёни юзага келди ва «Улисс»да муаллиф ана шу жараёндан «соф ҳолида» фойдаланиш имконлигини юксак санъаткор сифатида кўрсатган. «Онг оқими» реал воқеликдан узоқлашган хотиралар ва импульслар комплексиға айланаркан, соф қўриқнишдаги «онг оқими» усулида намойён бўлади. Шу сабабдан ҳам адабиётшунослар Молли Блумнинг асар якунидаги монологига алоҳида аҳамият беришади.

«Улисс»нинг рус ва ўзбек тилларидаги таржималарини қиёсий таҳлил қилганда аслият матнидаги юқоридаги каби жиҳатлар алоҳида эътиборни талаб этади. Иброҳим Гафуров таржимаси асарнинг аслияти ва русча таржималарга айни шу жиҳатдан мос келади. Сабаби, таржимон «Улисс»га қўл уришдан аввал бой тажриба орттирган, Мопссан, Достоевский, Хемингуэй, Ницше, Маркес каби жаҳон адабиёти сарлафларини ўзбек тилида сўзлаган моҳир сўз устасидир. Албатта, «Улисс»дек мураккаб роман таржимаси ҳақида ҳали таржимашунослар, адабиётшунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Иброҳим Гафуров ушбу сермаъноқат ижодий меҳнати билан китоб жавонимизни «Улисс»дек дунё адабиётининг шоҳ асари билан бойитди, ўзбек китобхонига бутун бир адабий оқимга хос хусусиятларни ўзида муҷассам этган китобни тортиқ қилди.

Мухаммадجان ХОЛБЕКОВ, филология фанлари доктори, профессор

Кўчқор НОРҚОБИЛ

КУЗАКЛИК УМРИМГА БАХШ ЭТДИ МАЗМУН

«Куз чизган сувратлар» туркумидан



НАТЮРМОРТ

Қиё очик дераза раҳи, ҳар хил мева билдур қосала...

...Тун ҷўқади. Ёлғизлик ёмон — боғ ичида ёмғир севалар.

ДРАМА

Куз ажойиб драма ёзди... Режиссёр ҳам, рессом ҳам ўзи.

Сўнг саҳнага шамолни ҳайлаб, Чор тарафга солди тўполон.

Новдасидан узилган яроқ Чарх урди-да қўнди елканга.

Саҳна тинди. Чикдик дилда гам... Менга бунча мунгли қарама.

СЕН БОРСАН...

Куздай сокин бўлдим. Куздайин вазмин... Япроқ тўкавердим. Қотди дийдалар!

Сен борсан! Қадим тик! Зирқ бўлдинг ҳар дам... Бағрима бош қўйиб жоним, ўксима.

НОВАБ

Бор будини шилди. Шип-шийдон, абгор эди. Ёлғиз... Ичкиди.

У қуйлади. Ёмғир, қор, офтоб, шамол бўлди — шундай ноёб у...

ОВЧИ ВА ОҚҚУШЛАР

Куз оқшоми... Шамол ҳадидан ошди, Боғларни фалакда тўзғитди сархуш.

Сувда шафақ акси... Муҳаббат рамзи — Оққушлар рақс этар шомда қўл узра.

Яна мўлжал олди. Журъати борми, Нишонда турибди оққуш, расида.

Овчи отолмади. Юракда бир ҳис, Қўнгли чоғ... Йўлма-йўл жилмайиб борди.

Хира-шира. Тонгги соат тўрт, Куздай сокин... ҳар бир дақиқа.

Тонг пардасин юборди ёқиб Бўғзидан ўт ўрлаган ошиқ...

Умидидан узилган иппи Боғлаяпти тонгдай ёруғ уй...

НАБИРАМГА

Яшайман! Гапимни қайтариб олдим! Кўёнинг юзини силар дастларим.

КЕЛ

Бир бор келгин, этиб чирирак шу боғларни гапиртираман.

Бир бор келгин! Кучу қудратим сўниб борар — йўлнинг этди банд.

Бошланиши биринчи саҳифада.

САМАРҚАНДААН ЖИЙДАЛИГАЧА

Жийдали қишлоғи — Нуробод туманининг чекка манзилларида бири.

Самарқанд шахридан то Жийдалига роппа-роса 194 қақирим йўл. Нарини берисини қўшиб ҳисоблаганда машинада бориб-келиш 450 қақирим келади.

Уч соат деганда Жийдалига етиб келдик. Олисанд қараганда бу даштлар орасида шундай манзил борлиги ҳаёлингизга ҳам келмайдди.

ётган беш мингдан зиёд аҳоли асосан чорвачилик билан шугулланади. Шу қишлоқларнинг йигирма минг майда моли — қўй, эчкиси, икки юзу тўрт бош туяси бор экан.

«Энг кўпи-чи?» деган саволимизга Жийдалининг захматқаш, қаққонгайратчан оқсоқоли Файбулла хожи «Насиб бўса эчки минг деяберасиз,

Мисол учун, қўй боқиш тажрибасидан, бой-бадавлат бўлмоқ хусусида гапирар экан, қўйнинг тилидан «Тўғимдан қотти (қаттиқ, чидамли демокчи) бўлсанг, изимдан эргаш», «Қорнимни тўйғиз — корга тайла» деган ҳикматли гапларни айтади.

билан озроқ дарс ҳам ўтдик. Учинчи синф ўқувчиси Шоҳсанам Нурназарова деган қалақдай қизча «Ўзбекистон Ватаним — кўзим очиб кўрганам» дея шеър ўқиганида ҳаммамиз ҳажонландик.

ПАЙАРИҚДА КҮЁШЛИ КУН

Жийдалининг кенг дашту чўлларида икки юз эллик қақиримлар бериди жойлашган Пайариққа келганимизда қовоғини солиб турган осмон бирдан очилиб, офтоб чарақлаб кетди.

Бозор кунини, йўлда Челақ бозори гавжум, эл-улус, ёш-қари рўзгор юмушлари билан банд. Ҳамманинг киёфасида бир эзгу ташвиш — ким пиёз, картошка, ким гўшт-гуруч кўтарган, кимдир боқилган семиз қора қўчқорни етаклаб бораёпти, яна кимдир чиройли гулдор бешикни кўта-

қўшиши мўқаррар. Бундаги энг катта янгилик — мусиқали рангли-чироқли фавворанинг ишга туширилишидир. Замонавий электрон воситалар асосида ишлайдиган фавворага хоҳиш ва таъбга қараб керакли мусиқани «буюртма» бериш мумкин.

Бог сатхи мутлақо янги киёфа-манзара касб этиб турибди. Эски дарахтлар оралиб арча кўчатлари — юздан зиёд янги нави-холлар истироҳатгоҳининг янада файзли ва хушқаво бўлишига хизмат қилади. Бог оралиб кетган текис йўлакларнинг икки тўмонига янги ўриндиклар ўрнатилган. Улардан бирида ўтириб суҳбатлашаётган йигитча билан ёнидаги қизча уялганнамо бўлиб бизга салом беради.

Пайариқда барча одамларни бирдек мамнун этган асосий ўзгаришлар-

юмушлари билан банд. Икки томонга қўйилган курсиларда — бирида бир норғул, бақувват ака, бунисида бир сингилча билан яна бир болақай ўтирибди.

Гавдали аказим билан қўришамиз. Исмо Нурназар, ўзи ўттиз йил ҳайдовчилик қилиб, эллик олти ёшда нафақага чиқиб ҳаракатида юрган экан. Шеригимизнинг «Ҳали чимилдикдан эндигина чиққан кувёдайси-у» деган ҳазилига гулдираб қўлиб юборади.

«Маза йўқми?» десак, «Э, йўғе, кувёдек бўсақ, бир сигир сузганига бу ерга келиб ўтираримдик» деб жавоб беради. Аканинг шохдор сиғири биқинига шохлаган экан — шунга ярасини қайта боғлатгани келибди.

Врачлик пунктида Майрамхон Ҳайдарова мудира экан. Ҳамма шароитлар, жиҳозлар муҳайё этилган. Хоналар, бўлмалар тоза, саришта. Беморларнинг шахсий касаллик дафтарчалари тоқчаларга алфавит бўйича дид билан терилган.

Мазкур тиббиёт пункти шу атрофдаги Бошдархон, Пўлатдархон, Найманча қишлоқлари аҳолисига — жами 3400 кишига хизмат кўрсатар экан. Ҳар бири оиланинг тиббий паспорти тузилган, ҳамма тиббий-муолажавий маълумотлар шунга ёзиб борилади экан.

Нурназар акага сузонгич сигирдан эҳтиёт бўлишни, дўхтир опа-сингилларга эса бахт ва омадлар тилаб, йўлимизда давом этдик.

Йўллар ва йиллар

Шаҳарга қираверишда қатлам-қатлам тўпроқ бўлиб ётган қадимий тепалар, дўнгликлари кўрсатиб шеригимиз «Мана, қадимий Афросиёб харобазорларини қаранглар» дейди.

Ҳамма нарса, жумладан, давру замонлар, асарлари саналар ҳам муқоясада, қиёслаб, таққослаб кўрилганда аниқравшан намоён бўлади. Қатлам-қатлам тарих, қат-қат мезий бўлиб ётган бу харобалар, улар қаъридаги қатлам-қатлам асарлар Истиклолнинг бор-йўғи 22 йили олдида — буюқ тарих наздида қапалакнинг қанотича келадиган қисқасига мuddатда обод бўлган, ўзгача файзу шуқуҳ касб этган гўзал, бетимсол Ватанимнинг чиройи, тароватли-қаролисидида ҳижолат бўлиб тургандай.

Президентимиз Исмоил Каримов «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ», деб беҳижга айтмайдди.

Биз кўнча тарихимизга қараб, мустабид замонларнинг гирромликларини эслаб, озода ва обод Ватанимизнинг кўрку жамолига шукроналар айтамыз. Йўллар ва йиллар. Йиллар ва йўллар.

Бизнинг элу юрт равнақи йўлида қурган ҳар бир йўлимиз, солган ҳар кўпригимиз — келажакнинг йўллари, истиқболимизга элтувчи кўприқларимиздир. Мана шунга кўча — Университет хибобиндан Садриддин Айнӣни, ундан кейин Кичик халқа йўли бўлиб тўғри Чўпон ота мавзосига олиб чикувчи шунга йўлнинг елкасида ҳам келажакга элтувчи, истиқболга дахлдор катта залворли юк бор.

Ёки Самарқанддан озар элига — Навоий бобомиз эҳтиром кўрсатган Низомий бобонинг юрти — Боқу шаҳрига бориб, ёш ижрочиларнинг Халқаро мусиқа беллашувларида голиб бўлиб қайтган самарқандлик учинчи, тўртинчи синф кизалоқлари Фотима Раҳматова, Рухсора Облоқулваннинг полапонларнинг қанотчаларида келадиган елканчаларида ҳам Ватан шаъни, эл-юрт гурури, фарзандлик садокати, ор-номус деб аталгувчи шу залворли юк турибди.

Янги тароват ва чирой касб этган Даҳабд кўчаси, Даҳабддан Регистон майдонига олиб чиқадиган янги кўча, Заргарлар кўчасидан то Хожа Дониёр зиёратгоҳига кетган текис ва равон йўллар, ундан чиқиб султон Улғубек бобомизнинг биринчидан янгича сарпо кийгизилган улғувор ёдгорлиғиғача, Расадхона шоҳ-супасидан кўриниб турган бугунги озода ва обод Самарқанднинг бор маҳобатию малохатиға қадар — ҳамма-ҳаммаси улғу орзу-мақсадларимизнинг кўркам ва жозиб кўри-нишлари, юртимиз саодати, захмат-каш элимизнинг асрий умидлари, азиз фарзандларимизнинг порлоқ толедидан далолат бериб турибди.

Йўллар йилларга, йиллар орзу-умидларга эврилганда манзилу маконлар файзу тароватга чулланади. Ватан қуриш — матонатга, мамлакат Ватанга, Ватан эса саодатга айланади.

Сирождидин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

САМАРҚАНДАДА ХУШИМ ҚОЛДИ

бокса, изидан юрса, захмат чекса қўй бўлади, барақа бўлади, дегани экан.

«Чорваси йўқ оила бу чўлда кун кўролмайдди, ҳеч курса эчкиси бор. Жийдалини қатиғини қарновилар, «қаймоқ деб еймиз» дейди.



Асрлардан буён қудуқлардан сув ичиб, молини суғориб келган эл-улус ҳаётидаги ҳаммани бирдай хурсанд қилган энг катта янгилик яқинда Жийдалига тоза ичимлик сувнинг келтирилиши бўлди.

риб олган — ҳаёт, тириклик ўз зайли, ташвишлари, қувончлари билан давом этапти.

Пайариқ туманининг маркази атроф-теварағидаги манзаралар — бу маъвода бунёдкорлик, яшнатиш, обод этиш, одамларга кўркам, чиройли шарт-шароитлар яратиш ишлари изчил давом этаётганидан дарак бериб турибди.

Бозор кунини бўлишига қарамай, катта иш кетаётгани биллиниб турган Маданият ва истироҳат боғи, ундаги йўлаклар, қурилиш-тиклаш анжомлари, бог олдидаги кўша-кўша янги би-таётган бинолар, янги ўрнатилган, ўрнатилмаётган аттракционлари жиҳозлар четдан келган кишининг дарров диққатини тортади.


Тушади. Орқа томондаги стадионда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Стадион бошдан-оёқ бутунлай тикланади. Бунинг учун ҳамма керакли анжом-жиҳозлар, жумладан, мухлислар ўтирадиган бир минг икки юзта янги курси ўрнатиляпти.

Оқдарёга боқ, дарё

Ҳақиқатан ҳам, Оқдарё туманига, бу манзилда бўлган, бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишларга, уйлар, кўча-кўй, маҳалла-гузарларнинг файзу тароватига Оқдарёнинг ҳам, Қорадарёнинг ҳам ҳаваси келади.

Биз йўл-йўлақай катта йўлнинг чап бетида қатор тизилган кўркам уйларга томон йўлимизни бурдик. Бир баҳаво, тоза-озода жойлар. Уйларни оралаб кетган йўлнинг ўнг бетида Бошдархон қишлоқ врачлик пункти жойлашган. Ичкарида кўк, оппоқ тоза тиббий халатларда ҳамширалар ўз

“АБДУЛЛА ОРИПОВ. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР”



Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов “Танланган асарлар”нинг еттинчи жилдини босмадан чиқарди. Китобга атоқли шоиримизнинг 2010 йил июн ойидан 2013 йил февралга қадар ёзган дoston ва шеърлари, мақола, суҳбат, қайдлари жамланган.

Халқона қиссагўйлик услубида битилган “Истиқлол манзаралари” дostonида мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида юз берган воқеалар, шоирнинг ўзи гувоҳ бўлган унутилмас тарихий жараёнлар тасвирланган. “Ранглар ва оҳанглар” туркуми эса шоирнинг инсон руҳияти товланишлари, доимий иқроллар, армонлар, орзулар ҳақидаги мушоҳадalари ифодаси

бўлган ёйиқ, воқеабанд ифода — учликлар шаклида ёзилган шеърларидан таркиб топган.

“Танланган асарлар”нинг мазкур жилдига киритилган шеър ва газалларнинг умумий мавзуси инсон ва унинг қалб эврилишлари, она юртва фарзандлик туйғусидир. Жаҳон ва ўзбек адабиётининг Навоий, Данте, Пушкин, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Расул Ҳамзатов сингари салафлари, шунингдек, Ўткир Раҳмат, Саъдулла Ҳаким, Ўрозбой Абдурахмонов ва бошқа замондош шоир ва ёзувчилар ижодига доир кузатиш ва эътирофлар, қайдлар, суҳбатлар, буюқ қурилишларни амалга ошираётган замондошларимиз ҳақидаги публицистик мақолалар ҳам китоб мундарижасини бойитган.

Китоб сўнггида берилган “Рухият иқлимлари инкишофи” мақоласи атоқли шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърлари матни таҳлилига бағишланган.

“Танланган асарлар”нинг еттинчи жилдини нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва сўнгсўз муаллифи — Дониёр Бегимкулов. Муҳаррир — Илҳом Зойир.

Доимий ҳамроҳ

МАҚТАНЧОҚ КҮЁН

Бор десанг бордай, йўқ десанг йўқдай, ўзи ҳам ўқдай, юриши тўқдай, қорни оч, кўрсанг ундан қоч, бир тулки бўлган экан.

Кунларнинг бирида ана шу оч тулки ўрмонда изгиб юриб, нимани тутиб есам, деб кўзларини олзазрак бўлиб турганда,

тутиб мулоимлик билан:

— Хўш, азизларим, айтинглари-чи, дунёда ниманинг гўшти ширинроқ. Шу саволимга тўғри жавоб берсангиз, сизларни кўйиб юбораман, — дебди.

Ўзим ўқийман

Ўзим сизга дунёдаги энг гўшти ширин ҳайвонни топиб келаман, — деб бир зумда кўздан ғойиб бўлибди.

Ниҳоят, навбат куёнга келибди. У йўрғалаганча тулкининг ёнига бориб, унга ўзини яқин тутиб, мақтангиси келибди.


— Айтишларича, кўзичоқнинг ҳам,

олмаҳоннинг ҳам гўшти жуда мазали бўларкан. Улар чамаманда сизни алдаб кетишди. Орқасидан қувласангиз бир зумда етасиз. Хув, тепалик ёнидаги қарагай ковагида олмаҳон, ундан наридаги ўтлоқзорда кўзичоқ яшайди, — дебди мақтанчоқ куён ўзини ҳамма нарсадан хабардор кўрсатиб. Куён бу гапларни айтиб тугатгунча тулки унинг томоғидан гилпа бўғиб, қулоғига шивирлабди.

— Сен ҳам тополмадинг. Дунёда тулкининг панжасига турган ҳайвоннинг гўшtidан ширинроғи йўқ. Ахир бежиз айтишмаган “узокдаги куйруқдан яқиндаги ўпка яхши”, деб.

Алқисса, дўстларига хиёнат қилган душманидан яхшилик кутган мақтанчоқ куён тулкивойига ем бўлибди.

Ҳидоят ОЛИМОВА



Лилияф ОЛИМОВА. «Оқтин куё».

Асалари ва капалак

Бир гулдан шира ололмаган асалари иккинчи гулга кўнди. Боши билан шўнғиб, гул ширасини сўра бошлади. Сўнг бошқа гулни мўлжаллади. Унинг ёнидаги гул япроғига атлас қанотларини пирпиратиб капалак келиб кўнди ва асаларининг ҳаракатларини кузата бошлади:

— Шундай атиргулнинг ҳиди ёқмадими? Ё гуллар ифорининг фарқига бормайсанми? — деди у таманно билан.

— Менга гул ифоридан ҳам кўра унинг шираси муҳим, — деди асалари. — Унлаб қақирим йўлни йўл демай, минглаб гул қосаларидан оз-оздан шира тўплаб асал кашф қиламан — бу билан кўпчиликнинг ҳождатини чиқараман.

Фақатгина гул ҳидлаб, ҳаёт шу-да, деб юрган капалак нима ҳам дерди, ўзига қараб тош кўяди-да.

Тиниқ сув ва оқова

Ариқда ўйноқлаб шалдираб оқаётган тиниқ сув экинзордан чиқиб келаятган оқова билан баҳслашди:

— Сендан кўп йўл боссам ҳам тиниқлигимни йўқотмадим. Сен бўлсанг — хиралигингни ҳара.

— Ўзимдан кечиб, чиройимни йўқотсам ҳам гўзаллик яратганим билан фахрланаман.

— Гўзалликда менга барибир тенг келолмайсан. Биласанми, мендан ҳатто ою кувёш ҳам баҳра олади. Тунлари ой менда қалқиган аксини кўриб, қувончдан бошимдан қумуш тангалар сочади. Кувёш ҳам ўз жамолини кўриб, юзимни илик, ёқимли нурлари билан силайди.

— Тиниқлигимда улар аксларини менда ҳам кўришган. Хув рақсга тушаётган жўхориларга, бош чайқаятган бошоқларга боқ. Сут, қатик, қаймоқ булоғи, бугдой хирмониди, албатта, менинг ҳам ҳиссам катта, агар билсанг...

Ушбу баҳсни кузатиб турган деҳқон тиниқ сувга:

— Аввал оқавадек хизмат қил. Сўнг сўзлашга чоғлан, — дея уни сувсаган бедазорга тарай бошлади...

Қатрапар

— Тиниқлигимда улар аксларини менда ҳам кўришган. Хув рақсга тушаётган жўхориларга, бош чайқаятган бошоқларга боқ. Сут, қатик, қаймоқ булоғи, бугдой хирмониди, албатта, менинг ҳам ҳиссам катта, агар билсанг...

Ушбу баҳсни кузатиб турган деҳқон тиниқ сувга:

— Аввал оқавадек хизмат қил. Сўнг сўзлашга чоғлан, — дея уни сувсаган бедазорга тарай бошлади...

Райҳон

Кеч куз бўлса ҳам ҳовлидаги садарайҳонлар хушбўй хидларини ён-атрофга таратади. Қатордаги бир туп райҳоннинг оқариб қурганини кўрдиму энгашиб унинг орқасида паналаб ўсиб ётган кўм-кўк шўрани тортдим. Шўра билан райҳон ҳам сугурилиб чиқди. Райҳоннинг шохлари бағримга тегиши билан ҳиди димоғимга урилди. Қизик, қуриб “ўлган” бўлса ҳам ҳидини йўқотмай, дилни хушнуд қилаяпти.

Райҳоннинг озигини еб семирган, ҳозиргина сугурганим шўра кўм-кўк бўлса-да, на ёқимли ҳиди бор, на молга бир манфаат! Шунга айтсалар керакда: “Умрлар бўладик, тиригида ўликдир, Умрлар бўладик, ўлигида тирикдир”, деб.

Мерос

— Биласанми, мен ўғлимга қандай мерос қолдираяпман, — мақтанди қинғир йўл билан пул топувчи одам шеригига.

— Хўш, қандай мерос?

— Қасрдай иморат, беҳисоб мол-давлат.

— Мен ўғлимга одобдан мерос қолдираяпман, — дебди тўғрилик билан пул топувчи киши.

— Шу ҳам меросми? — дебди уни менсимай пулдор.

Мероснинг қай бири улуғлигини йиллар ўз синовидан ўтказибди. Пулдорнинг ўғлида меҳр, андиша, оқибат йўқлигидан уйдаги жанжал, гурбатдан қасрдек уйи нураб тушибди. Унда на файз, на барака бор. Хулқи хуш ўғилнинг оддийгина уйда эса ҳалол меҳнат ва тинчлик-фаровонлик ҳукмронлигидан доимо кут-барака бисёр эмиш. Оталарнинг фарзандларига қолдирган одоб мероси олтидан ҳам зиёда.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Темир Тўрабоевга рафиқаси

Майрамхон Тўрабоевнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади!

«Тиллар ва адабиёт» кафедрасига кафедра мудири (бир ўрин), «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедрасига профессор (бир ўрин), «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасига доцент (бир ўрин), «Ижтимоий ва гуманитар фанлар» кафедрасига катта ўқитувчи (бир ўрин), «Саҳна нутқи» кафедрасига ўқитувчи (бир ўрин)

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза;
- Ишловчининг шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Паспорт нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати (илмий

қотиб томонидан тасдиқланган ҳолда);

- Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошланиб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳри Яланғоч даҳаси, 127 «а» уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ Вазирлиги, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИИ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ” АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзил: uzas@exat.uz
Танлов ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санаъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ



Тасхирини тақдим қилган қўғимлар тақдими этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди.

Муаллифлар фақат тасхирини нусхаси назардан фарқлашиши мумкин.

Масъул қотиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА

Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили: Буюк Турки уйи, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.30

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Аҳдди — 4334 Буюртма Г — 1144. Ҳақми — 3 босма табоқ А-2. Нашр қўрсатқичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5